O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 8 май, № 89 (4242) Сешанба







## ЯШНАЁТГАН МАРҒИЛОН

*Буюк Ипак йўлида жойлашган кўҳна ва навқирон Марғилоннинг қутлуғ 2000 йиллик юбилейи муносабати билан шаҳардаги қирқдан зиёд иншоотда қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ёпиқ сузиш ҳавзаси, "Ёшлар" хиёбони, "Маҳалла" гузари каби маданий-маиший иншоотлар шулар сирасига киради.*

*Қўқондаги "Муштарий" масъулияти чекланган жамиятининг усталари томонидан Марғилоннинг энг қадимий масканларидан бири "Пирсиддиқ" мажмуасида кенг кўламдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, шаҳардаги "Улуғмозор" зиёратгоҳи, Жаҳон отин Увайсий мақбараси ва музейи каби тарихий ёдгорликлар ҳам бутунлай қайтадан таъмирланмоқда.*



**СУРАТЛАРДА: сайқал топаётган Марғилон; ҳунарманд Насиба Билолова байрамга атаб гилам тўқимоқда.**

**М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

***Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 7 май куни Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Корея ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг бешинчи мажлиси бўлиб ўтди.***

Унда икки мамлакатнинг нефть-газ, банк-молия, транспорт, енгил саноат, алоқа ва ахборотлаштириш каби соҳаларида фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компанияларидан вакиллар иштирок этди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, қўшма комиссия ҳамраиси Элёр Ғаниев Корея Республикаси мамлакатимизнинг энг яқин ва ишончли ҳамкорларидан эканини таъкидлади. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани ва бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди.

Корея Республикаси делегацияси раҳбари — ташқи ишлар ва савдо вазирининг ўринбосари, қўшма комиссия ҳамраиси Чо Тэ Ёль мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик асосига қурилган ҳамкорлик сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий каби кўплаб соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

— Президентларимизнинг 2006 йил март ойида Сеулда ўтган музокараси якунида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисида қўшма декларация имзоланган эди, — деди Чо Тэ Ёль. — Бугунги учрашувдан кўзда тутилган асосий мақсад мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий, гуманитар, таълим ва бошқа кўплаб соҳалардаги ҳамкорликни стратегик шериклик тамойилларига мос равишда янада кенгайтириш имкониятларини кўриб чиқишдан иборат.

Ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида икки мамлакатнинг имкониятлари катта. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўтган йили 600 миллион АҚШ долларидан ошди, 2007 йилнинг январь-март ойларида эса 151,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистонда кореялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган икки юздан ортиқ қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, савдо, кимё, озиқ-овқат ва енгил саноат, металлни қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритаётир. Кореялик ишбилармонлар билан биргаликда саноатнинг янги тармоқлари ўзлаштирилмоқда. Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг олтмишга яқин компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Учрашувда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш, қўшма корхоналарни кўпайтириш, нефть-газ, энергетика, тўқимачилик, минерал захиралар ва меҳнат ресурслари, таълим соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама қилинди, ахборот технологиялари ва кичик бизнес соҳасида икки томон учун ҳам манфаатли қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## 2007 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*2007 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари амалга оширган чора-тадбирлар Президент Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2007 йилда иқтисодий ислоҳотлар соҳасидаги устувор вазифаларни бажаришга, шунингдек, ривожланишнинг комплекслар ва тармоқлар бўйича аниқ мақсадли муҳим дастурлари ижросини таъминлашга қаратилди. Натижада, кўрилган чора-тадбирлар иқтисодиётда ижобий таркибий ўзгаришларга ва макроиқтисодий ҳамда соҳалар ривожланиши бўйича прогноз кўрсаткичларга эришиш имконини берди.*

### I. Макроиқтисодий тенденциялар

2007 йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулот ўсиши 9,1 фоизга етди. Саноат, инвестиция ва қурилиш тармоқлари, хизмат кўрсатиш соҳалари биринчи чоракда ялпи ички маҳсулот ўсишига салмоқли ҳисса қўшди. Асосий капиталда ўзлаштирилган инвестициялар ва қурилиш ишлари ҳажми тегишли равишда 36,4 ва 12,8, саноат маҳсулотлари ҳажми 12, товар айланмаси 16,5, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 25 фоизга ўсди. Товарлар ва хизматлар экспорти 21,1 фоизга ошди, савдо балансининг ижобий сальдоси қарийб 600 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Фаол экспорт сиёсати, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга, жумладан, инвестиция товарларига бўлган умумий ички эҳтиёжини ошириш имконини берган аввалги йилларда яратилган иқтисодий омиллар ҳамда қулай ишбилармонлик муҳити ҳам иқтисодий ўсишга ёрдам берди.

**Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари**

*(Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)*

| Кўрсаткичлар номи | 2006 йилнинг 1-чораги | 2007 йилнинг 1-чораги |
|---|---|---|
| Ялпи ички маҳсулот | 103,6 | 109,1 |
| Саноат маҳсулотлари ҳажми | 106,8 | 112,0 |
| Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш | 114,2 | 120,7 |
| Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари | 104,5 | 105,5 |
| Асосий капиталдаги инвестициялар | 104,5 | 136,4 |
| Қурилиш ишлари | 103,6 | 112,8 |
| Чакана савдо айланмаси | 107,5 | 116,5 |
| Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш | 111,8 | 125,0 |

(Давоми 2-бетда).

## ШАРҚ ВА ҒАРБ МУЛОҚОТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Ўзбекистон доимо турли халқларнинг санъати, анъаналари ва фалсафий қарашлари бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатадиган макон бўлиб келган. Мамлакатимиз ҳудудида қадимдан турли халқлар ва маданиятлар вакиллари аҳил-иноқ яшайди. 3 май куни ўз ишини бошлаган "Connections" (Бирлашиш) мавзуига бағишланган "Шарқ-Ғарб. Тошкент чорраҳаси" деб номланган долзарб фото ва видео санъати биринчи Тошкент халқаро фестивали ушбу ижобий жараён давом этаётганининг яққол исботидир.***

Ўзбекистон Бадиий академияси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Тошкент фото уйи ва "Карвонсарой — бадиий мулоқот" халқаро ташкилоти (Франция) томонидан ташкил этилган ушбу фестиваль жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент, Самарқанд ва Хива шаҳарлари ҳокимликлари томонидан кўрсатилган амалий ёрдам 3 май куни бошланган ушбу маданий тадбирнинг янада кенг миқёс ва шаклга эга бўлишига хизмат қилди.

(Давоми 2-бетда).

## *Воқеалар, янгиликлар, хабарлар*

### Ишбилармонлар учун маслаҳат

***Пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида "Ўзбекистонда Япониянинг "BAS" молиялаштириш дастурининг очилиши: кичик ва ўрта корхоналар учун консалтинг хизматлар" лойиҳасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.***



■ Таъкидлаш жоизки, мазкур "Ишбилармонлар учун маслаҳат" дастурининг асосий йўналиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, шунингдек, Ўзбекистонда консалтинг хизмати бозорини янада такомиллаштиришдир.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан Япониянинг мамлакатимиздаги элчиси Юичи Кусумото "Ўзбекистон-Япония ўртасида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бормоқда. Тақдим этилаётган ушбу дастур ҳам тенг манфаатли ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади" дея таъкидлаб ўтди.

Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари Фернан Пийонель ва бошқалар Ўзбекистон ҳукумати томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига кенг кўламда эътибор қаратилаётганини ва улар ўз самарасини бераётганини эътироф этдилар.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

### Энг яхши бахши

■ Жиззахнинг энг яхши бахшиси ким? Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий услубият маркази томонидан ташкил этилган бахши, шоир, оқин ва жировларнинг V анъанавий халқаро кўрик-танлови вилоят босқичи буни аниқлаб берди. Зоминлик Пиримқул Хотамов, дўстликлик Эгам Абдиев, мирзачўллик Нурғали Алимбеков ва зафарободлик Қарсибек Қантўраевлар миллий қадриятлар тарғиботчиси сифатида танлов ғолиблари деб эътироф этилди ва танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

### Хонобод кабеллари — хорижга

***Хонобод шаҳридаги «Андижонкабель» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси тўла модернизация қилинди.***

■ Бу мис ўрамлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш билан бирга, кабелларни компьютер тизими орқали назоратдан ўтказгандан сўнг мижозларга юбориш имконини берди.

Жорий йилнинг ўтган уч ойида жамоа 12 миллиард 959 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариб, 6 миллион 385 минг АҚШ долларилик кабель экспорт қилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### «Топганим халқники»

■ Жиззах туманидаги «Адир садоси» фермер хўжалигининг раҳбари Абдураҳмон Эшонқулов қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашга ўз ҳиссасини қўшди. У бу ишга 6 миллион сўм сарфлаган эди. Яқинда у яна бир эзгу ишга қўл урди: 2 гектарлик боғ яратди, янги микроавтобус харид қилиб, вилоят марказига унинг қатновини йўлга қўйди, автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи шохобча очди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Армиямиз «шунқорлар»и

***Ўзбекистон аскари нафақат жисмоний бақувват, балки замонавий фанларни ҳам мукаммал ўзлаштирган бўлиши керак.***

■ Жорий йилнинг 4-6 май кунлари Чирчиқдаги олий ҳарбий танк қўмондон-муҳандислик билим юртида ўтказилган "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақаларининг республика босқичида мана шу мезонларга эътибор қаратилди. Унда республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридан 14 та команда иштирок этди.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент вилояти биринчи, Тошкент шаҳри иккинчи ва Самарқанд ҳамда Жиззах вилоятлари жамоалари учинчи ўринни қўлга киритди. Ғолиблар мусобақа ташкилотчилари — "Камолот" ЁИҲ, Олий ва ўрта махсус таълими, Мудофаа, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда "Ватанпарвар" мудофаага кўмаклашувчи ташкилоти томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Қобил ХИДИРОВ.**

## 9 МАЙ — Хотира ва қадрлаш куни

## ЭҲТИРОМ

***Пойтахтимизда Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси томонидан 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ташкил этилган учрашувга уруш ва меҳнат фахрийлари, нуроний отахон ва онахонлар таклиф этилди.***

■ Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси марказий кенгаши раиси Э.Боқибоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан истиқлол йилларида юртимизда нуронийларга давлат ва жамият томонидан доимий диққат-эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишдек хайрли ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидладилар.

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурига мувофиқ уруш ва меҳнат фахрийлари, фронт ортида меҳнат қилган ҳамюртларимиз, ўзгалар ёрдамига муҳтож ёши улуғ кишилар, отахон ва онахонларнинг яшаш шароитини янада яхшилашга, саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган эзгу ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Айни пайтда фахрийларимиз оилаларда тинчлик ва тотувлик, жамиятда барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш ҳамда ёш авлодни тарбиялашда фаол иштирок этаётир.

— Мамлакатимизда кекса авлод вакилларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларни моддий, маънавий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-тиббий кўмак бериш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор бериб келинаётгани биз, кексаларни жуда қувонтиради, — деди Иккинчи жаҳон уруши фахрийси, истеъфодаги полковник Иброҳим ота Расулов. — Кексалари эҳтиромда бўлган юртнинг истиқболи эса, албатта, порлоқ бўлади.

Тадбир иштирокчиларига ташкилотчилар ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси томонидан совғалар топширилди. Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг мусиқий дастури намойиш этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*■ Амударё туманидаги меҳнат жамоалари, ўқув юртлари ва маҳаллаларда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда.*

*Хусусан, "Юлдуз" ҳиссадорлик жамияти, Манғит қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи, туман марказий шифохонаси ва бошқа жойларда ташкил этилган ана шундай учрашувларда фахрийларга эҳтиром кўрсатилди. Уруш қатнашчиси, таниқли полвон Соат ота Хайтимбоев хотирасига бағишлаб миллий кураш бўйича мусобақа ташкил қилинди.*

**Я. ҚЎЧҚОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**





# ЕР ЮЗИНИНГ САЙҚАЛИ ВА АБАДИЙ КЕЛАЖАК ШАҲРИ

***Самарқанд, унинг тарихий ва маданий аҳамияти, кўҳна ва ҳамиша навқирон бу шаҳарнинг замонавий Ўзбекистон жамиятида тутган ўрни, унда яшаб, ижод қилган буюк алломаларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти яқинда Покистон пойтахти Исломободда бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференциянинг асосий мавзуи бўлди.***

**Халқаро анжуманларда**

«Самарқанд — ўзбек цивилизациясининг дурдонаси», деб номланган нуфузли анжуман қадимий шаҳарнинг 2750 йиллигига бағишланди. Учрашув «Осиё цивилизациялари уюшмаси» Покистон нодавлат маданий ташкилоти ва мамлакатимизнинг Исломободдаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Конференцияда покистонлик кўзга кўринган олимлар, ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари сўзга чиқишди. Маърузалар шаҳарнинг тарихи, унинг ҳозирги Ўзбекистон ҳаётидаги ўрни, Самарқанд билан минтақадаги бошқа шаҳарлар, жумладан, Покистон шаҳарлари ўртасида ўрнатилган тарихий алоқалар, Самарқанд ривожига бекиёс ҳисса қўшган давлат ва диний арбобларнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланди. Хусусан, учрашувда Исломободдаги ўзбек диаспораси вакили Ўғуз Билол сўзга чиқиб, Самарқанднинг тарихи ва ҳозирги куни борасидаги ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

Олим шаҳарнинг бугунги Ўзбекистон ҳаётида тутган ўрни ва нуфузи хусусида тўхталар экан, йиғилганлар эътиборини Самарқанд тарихидаги диққатга сазовор даврларга, ундаги қадимий ёдгорликлар ҳамда шаҳар номини бутун оламга таранну эттан буюк инсонларга, жумладан, Соҳибқирон Амир Темурга қаратди.

— У ўз ҳарбий санъати туфайли улкан давлат яратди ва Самарқандни унинг пойтахти этиб танлади, — деди Ўғуз Билол. — Соҳибқироннинг амрига биноан шаҳарнинг қадимий деворлари тикланди, шаҳар атрофлари қайта қурилди, бозорлар эса йирик ижтимоий савдо марказларига айланди. Илгари Самарқанддаги барча бинолар пахса ва тахтадан қурилар эди. Амир Темур даврига келиб улар пишган ғиштдан барпо этила бошланди.

Олим, шунингдек, Самарқанд ислом дини мероси ва маданиятида ҳам муҳим ўрин эгаллашига эътибор қаратди. «Бу ерда кўплаб мақбара, мадраса ва масжидлар мавжуд бўлиб, уларнинг орасида Гўри Амир мақбараси, Шоҳи Зинда мажмуи, Регистон майдони, Бибихоним масжиди ва бошқа осори атиқалар диққатга сазовордир. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида шаҳарда кенг кўламли тиклаш ва таъмирлаш, бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида Самарқанднинг ислом дунёсидаги нуфузига нуфуз қўшилмоқда», деди Ўғуз Билол.

«Осиё цивилизациялари уюшмаси»нинг президенти Зайд Қурайший ҳам ўз маърузасини Амир Темурнинг жаҳон ва Самарқанд шаҳри тарихида тутган ўрнига бағишлади.

— Амир Темур инсоният тарихидаги энг буюк шахслардан биридир, — деди у. — Афсуски, муайян даврга қадар унинг улуғворлиги турли афсона ва нотўғри фикрлар билан ўраб-чирмаб келинди. Лекин, шукрлар бўлсинки, ҳақиқат, эртами-кечми, қарор топади. Буюк давлат арбоби, ўрта асрлар ислоҳотчиси, адолат тарафдори, фан ва маданият ҳомийси бўлган Амир Темур тўғрисидаги асл билимлар кўп юз йилликлар ичра бизгача етиб келди ва пировардида ўз тасдиғини топди. Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи йилларида Президент Ислом Каримов айнан мана шу ҳақда айтиб ўтган эди.

Самарқанд — бу Амир Темурнинг ўткир зеҳни ва ўта кенг тасаввурини акс эттирувчи бекиёс шаҳар.

Амир Темур қўшнилар билан ўзаро манфаатли алоқалар ва ҳамкорликни ривожлантирмай туриб, давлат тараққий этмаслигини яхши тушунган. Шу боис ҳам у Осиё ҳам Европа мамлакатлари, жумладан, Хитой, Ҳиндистон, Франция, Буюк Британия, Усмонийлар империяси, Испания, Италия ва Миср билан муносабатларни мустаҳкамлашга интилган.

Тарихдан яхши маълумки, савдо-иқтисодий муносабатларда Амир Темур ҳайратланарли натижаларга эришган. У Испания Қироли Генри III, Франция Қироли Карл VI, Буюк Британия Қироли Генри IV саройларига ўз элчиларини юборган. Шу билан бир вақтда у ўз саройида Испания, Франция, Буюк Британия, Хитой ва бошқа кўплаб мамлакатлар элчиларини қабул қилган.

Икки минг йиллик тарихга эга бўлган Ўзбекистон пойтахти Тошкентда мамлакат мустақилликка эришганидан сўнг Амир Темур ҳайкали ўрнатилди.

Амир Темур меросини буюк давлат пойтахти бўлган Самарқанд меросидан айри ҳолда талқин этиш мумкин эмас. Самарқанд — бу муқаддас қадамжо, бетимсол шон-шуҳрат рамзи, ер юзининг сайқали ва абадий келажак шаҳридир.

**«Жаҳон» АА.**
Исломобод.

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт

## Саккиз учрашув, саккиз ғалаба

***Футбол бўйича мамлакат XVI миллий чемпионати олий лигасида саккизинчи тур учрашувлари якунланди.***

Ушбу турнинг марказий учрашувларидан бири Фарғонада "Нефтчи" ва "Машъал" жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Ҳужумкор руҳда ўтган ўйин 3:1 ҳисобида фарғоналик футболчилар ғалабаси билан якунланди. Шу куни Акмал Холматов учрашув қаҳрамонига айланди. У уч бор "Машъал" дарвозасига тўп йўллади. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Локомотив" — "Металлург" 3:3, "Шўртан" — "Пахтакор" 0:3, "Андижон" — "Қизилқум" 1:0, "Вобкент" — "Трактор" 2:1, "Насаф" — "Самарқанд-Д" 1:1, "Қурувчи" — "Навбаҳор" 3:1, "Тўпаланг" — "Бухоро" 0:0.

Турнир жадвалидан саккиз учрашувнинг барчасини ғалаба билан якунлаган "Нефтчи" жамоаси 24 очко билан пешқадамлик қилмоқда. "Пахтакор" 22 очко билан иккинчи, "Қурувчи" 19 очко билан учинчи ўринда бормоқда.

**З.ЖОНИБЕКОВ,**
***"Халқ сўзи" мухбири.***

## Ҳамюртларимиз — совриндор

***Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида спортнинг яккакураш турлари бўйича «Шарқ ва Ғарб» халқаро турнири ўтказилди.***

Унда мамлакатимиз вакиллари ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Жумладан, каратэ бўйича Ўзбекистон терма жамоаси таркибида татамига чиққан наманганлик Алишер Чинмирзаев ҳамда Олимхон Собировлар бронза медалини қўлга киритишди. Таэквондочилар баҳсида эса тошкентлик Геннадий Цой кумуш медаль соҳиби бўлди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

## Об-ҳаво қандай бўлади?

**Иқлим**



Республика Гидрометеорология хизмати марказидан олинган маълумотларга қараганда, бугун юртимизда ҳаво ўзгариб туради. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларидан ташқари қолган жойларда кечаси қисқа муддатли ёмғир ёғади. Шимолий ҳудудларнинг айрим жойларида ҳарорат 0-2 даража совиб, ер усти музлаши мумкин.

9-11 май кунлари ҳаво очиқ бўлади. Фақатгина 11 майда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятининг айрим ҳудудларида қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Майнинг 12-куни республикамизнинг бошқа жойларида ҳам худди шундай об-ҳаво кузатилади.

Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат бугун ва эртага кечаси 5-10 даража, 10-12 майда эса 12-17 даража, кундуз кунлари 18-23, 25-30 даража илиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳам ҳаво ўзгариб туради. 8-12 май кунлари вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Шамол шарқдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Ҳарорат 8-9 майда кечаси 0-5 даража, 10-12 майда 7-12 даража, кундуз кунлари 8-13, 17-22 даража илиқ бўлади.


## «Крокус Газ Сервис» ҚК
**(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)**

**«Газдевайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг (Россия) Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русумли ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:**

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари *(200 кВт ва 400 кВт);*
- буғ қозонлари *(соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);*
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари *(100 кВт ва 200 кВт);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар *(7 кВт дан 16 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар *(20 кВт дан 100 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар *(10 кВт дан 40 кВт гача).*

***Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.***
***Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.***

**Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:**
1. **Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторидаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.**
2. **Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.**



*Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ**

**2007 йил 7 майдан 7 июнгача ёнилғи-мойлаш материаллари сифатини аниқлайдиган қуйидаги лаборатория ускуналарини етказиб бериш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:**

- ПОЗ-Т асбоби
- Сув ва чўкинди борлигини аниқлайдиган 6 ўринли центрифуга
- Ёпиқ тигелда чақнаш ҳароратини аниқлайдиган аппарат
- Очиқ тигелда чақнаш ҳароратини аниқлайдиган аппарат
- Нефть маҳсулотларининг ёпишқоқлигини автоматик ўлчайдиган асбоб
- Оч рангли нефть маҳсулотлари таркибидаги қатрон (смола)ни аниқлайдиган аппарат
- Нефть маҳсулотларининг фракцион таркибини аниқлайдиган қўл аппарати
- Нефть маҳсулотлари фракцион таркибини аниқлайдиган автоматик аппарат
- Нефть маҳсулотлари зичлигини ўлчайдиган автоматик асбоб
- Ёнилғидаги октан ва цетан сонини аниқлайдиган аппарат
- Бензин сифатини аниқлайдиган портатив, кўп функцияли анализатор
- Нефть маҳсулотларини тезкор (экспресс) таҳлил қилиш учун кўчма лаборатория тўплами
- Октан сонини аниқлайдиган ИДТ-90 қурилмаси
- Октан сонини аниқлайдиган УИТ-85М қурилмаси
- Ёпишқоқликни аниқлаш учун ЛАБ-ТЖ-ТС-01НМ термостати

**Тендер ҳужжатларини олиш учун 75 000 сўмни Тошкент шаҳри «Ипак йўли» инновация-тижорат банкининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш лозим: 20210000903962263002, МФО 00444, ИНН 202692074.**

***Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2007 йил 7 июнь соат 12.00 гача.***

***Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 169-88-54, 169-88-02.***




**Билиб қўйган яхши**

***Ҳозир барча бозорларда, супермаркетлар ёки дўконларнинг пештахталарида ўлкамизда етиштириладиган турфа ширин-шарбат мевалар қаторида биз учун ноёб ва антиқалиги билан ажралиб турадиган ананас, киви ва бананлар ҳам борлигини кўрасиз.***

## ФОЙДАСИ КЎПМИ, ЗАРАРИ?

Маълумотларга қараганда, банан совуқ мижоз, дилгир одамлар учун зарарли ҳисобланар экан. Истеъмол қилинганида у жуда секин ҳазм бўлиши билан ажралиб туради, ичак йўлида ел ҳосил қилади, сафронинг ҳайдалишини қийинлаштиради. Агар наҳорда, айниқса, сув билан истеъмол этиладиган бўлса, нохуш таъсири янада кучаяркан. Банан қонни қуюлтириш хислатига эга бўлганлиги туфайли, уни тромбофлебит хасталиги билан оғриган, кўктомири бўртган (варикоз кенгайиш), инфаркт ва инсульт дардини бошидан кечирган кишиларга истеъмол қилиш маслаҳат берилмайди. У иссиқ мижоз кишилар организмига сингимлидир.

Наботот оламининг ошуфтаси, профессор С.Саҳобиддиновнинг берган маълумотларига қараганда, банан Ҳиндистонда донолар (брахманлар) овқати деб юритилган. Унинг 58 тури мавжуд. Банан таркибида қанд кўп, мевасининг пўсти юпқа, осон ажралади. Таркибида 75-76 фоиз сув, 7 фоиз крахмал, 1,3 фоиз протеин, 0,3-0,6 фоиз мой бор. Банан мевасининг қуввати хурмога нисбатан кам бўлса ҳам, лекин картошка, олмадан анча юқори туради. Тропик об-ҳаволи мамлакатларда банан кўп экилишининг сабаби, у ҳосилдорлиги жиҳатидан маданий ўсимликлар орасида «чемпион» ҳисобланади. Дунё бўйича ҳар йили 12 миллион тонна атрофида банан меваси йиғиб олинади.

Ҳозирда бизнинг ўлкамизнинг баъзи депараларида махсус иқлимхоналарда банан етиштирилиб, тузуккина ҳосил олинмоқда.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос.**


**ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ**

**Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS**







ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

Маҳсулот сертификатланган

**ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ**
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

**ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:**
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулокот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz


ЎзР ФА Микробиология институти жамоаси илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, биология фанлари номзоди Хуршида Ҳамидовага турмуш ўртоғи
**Мирзоҳид ҲАМИДОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзтрансмахсусқурилиш» уюшмаси жамоаси меҳнат фахрийси
**Рустам АКБАРОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси жамоаси катта мутахассис Аброр Тоғаевга падари бузруквори
**Аҳмад ТОҒАЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 33493 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5